

CHARACTERISTICS OF INCREASING THE ACTIVITY OF STUDENTS IN VOCATIONAL EDUCATION

Yusupov Odiljon Yaqibovich

Namangan Institute of Engineering and Construction, Namangan, Uzbekistan

Annotation: This article describes the specific features of combining theoretical and practical production education in the process of vocational training for young people, as well as the activities aimed at making students understand their professional interests, that is, the importance of their chosen profession for society and themselves, and to successfully acquire it.

Key word: Profession, professional interest, knowledge, skill, competence, skill, education.

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОРТТИРИШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупов Одилжон Яқибович

Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақола ёшларга касб-хунар ўргатиш жараёнида назарий ва амалда ишлаб чиқариш таълимини қўшиб олиб борилишини ўзига хос хусусиятларини ҳамда ўқувчиларни касбий қизиқишларни, яъни шахс танлаган касбининг жамият ва ўзи учун аҳамиятини англаган ҳолда, уни муваффақиятли эгаллаш учун йўналган фаолияти ифодаланади.

Калит сўзи: Касб-хунар, касбий қизиқиш, билим, кўникма, малака, маҳорат, тарбия.

Замонавий касб-хунар таълимида ёшларга касб-хунар ўргатиш жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уни ўрганиш ва амалда ташкил этиш эса, ўзига хос талабларни қўяди.

Касб-хунар таълимининг энг муҳим ва аҳамиятли жиҳати - бу жараёнда ёш авлодни меҳнат жамоасида ўқиб - тарбияланиши бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир меҳнат жамоаси жамиятимиз анъаналари, меҳнат ва ахлоқий принципларига амал қилади. Бу принцип ва анъаналарнинг ёш мутахассис шахсини шаклланиши, муайян касб-хунар эгаллашига таъсир кўрсатиши

муқаррардир. Буларнинг ҳаммасини англаш, ўқувчи шахси таркибида касб-хунарга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва касб маҳоратини эгаллаши учун психологик замин яратади. Касб - хунар таълими тизими - психологик дидактик қонуниятлар ва принциплар асосида яратилган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган педагогик ташкил этувчилар (ўқитиш мазмуни, уни ўқувчиларга ўргатиш-ўзлаштириш усуллари) мажмуасидир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусий характер ва аниқ психологик - педагогик йўналишга эга бўлади. Экспериментал тадқиқотларда аниқланганидек, ишлаб чиқариш таълими бу тизимнинг энг муҳим ташкил этувчиси бўлиб ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш таълими, ўқитишнинг осондан қийинга (иш усуллари-меҳнат амаллари-меҳнат амаллари мажмуаси -иш тури) кетма-кетлигидан иборат муайян элементлар мажмуасидан иборат, деб тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимини босқич ва даврлар бўйича амалга оширилиши, унга хос бўлган энг муҳим жиҳат бўлиб ҳисобланади.

Техникумларда назарий ва ишлаб чиқариш таълимини қўшиб олиб борилиши, ўқувчиларнинг дастлаб ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув хўжалиги ва ўқув-машқ майдон (полигон) ларда, сўнгра бевосита ишлаб чиқаришда моддий бойликлар яратишда иштирок этишлари – буларнинг ҳаммаси ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этишга ўзига хос дидактик ва психологик ёндашувни тақозо қилади. Касб-хунар таълими жараёнида ўқувчилар фақат касбий билим, кўникма ва малакаларни эгалловчи фаол субъект сифатида иштирок этмайди. У бир вақтнинг ўзида унумли меҳнатда иштирок этади, яъни меҳнат жараёнида ўқувчи шахси, унинг маънавий қиёфаси, дунёқараши ҳам шаклланиб боради. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг касбий фаолият ва нисбатан ўзига хос мотивларини шаклланишини белгилайди. Бу мотив таркибига касбни юқорироқ малака даражасида эгаллашга интилиш, моддий манфаатдорлик, ўз меҳнати билан жамоада ҳурмат қозониш каби ташкил этувчиларни киритиш мумкин [1].

Касбий қизиқиш - шахс танлаган касбининг жамият ва ўзи учун аҳамиятини англаган ҳолда, уни муваффақиятли эгаллаш учун йўналган

фаолиятидир. Касбий қизиқишларни шакллантиришни касбга оид билимлар бериш ва уларни ўзлаштириш каби икки йўналишнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги сифатида таъсаввур этилади. Техникумга қабул қилинган айрим ўқувчиларда ўргатилаётган касбга оид дастлабки қизиқиш уйғонмаган бўлиши мумкин. Бу ҳолда, уларда энг аввало, касбга оид дастлабки қизиқишларни уйғотиш ва сўнгра, уларни касбий қизиқишлар даражасигача ривожлантириш лозим. Шундай қилиб, касбий қизиқишларни шакллантириш, ўқувчиларни касбга оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида амалга оширилади. Шу билан бирга, касбий қизиқишларнинг мавжудлиги, ўқувчилар томонидан касбга оид янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун ҳам имконият яратади.

Ўқувчиларда махсус фанлардан ўтказилаётган назарий, лаборатория ва амалий машғулотлар, фан ва техник ижодкорлик тўғараклари машғулотларида, ўқув хоналарини ва ўқув устахоналарини жиҳозлашда иштирок этишида касбий қизиқишларни шакллантириш мумкин. Шу билан бирга, ўқувчилар касб меҳнат предметлари билан танишиши ва улар билан ишлаши натижасида касб малакалари шакллантиришга эришилади. Уларда ишлаб чиқаришда сифат ва малака даражасини оширишга, сиёсий ва техник тасаввурни кенгайтиришга, касбга оид кўп ҳаётий жараёнлар билан чуқурроқ танишишга интилиш уйғонади.

Касбий қизиқишлар ва уларни шахсга таъсири жамият тараққиёти жараёнида такомиллашиб боради. Техника ва технологиянинг ривожланиши ишчилар малакасини ва касблар таркибига туб ўзгаришлар киритиб боради [2]. Касбий қизиқишларнинг интеллектуал ташкил этувчиси таълим жараёни ахборотлар технологияси билан боғлиқ бўлади. У ўқувчиларни ижодий изланишига, ўз фикрини ифода этишда фаолликка, ҳар томонлама фикрлашга ундайди. Техника соҳасида мувоффақиятли ишлаш учун инсонда фазовий тасаввур этиш қобилияти етарли даражада ривожланган бўлиши зарур.

Техника билан боғлиқ бўлган ишларда ўқувчиларнинг мувоффақиятли ишлаб кетишлари учун касб-ҳунар таълими жараёнида ўқувчилар

психологиясининг қуйидаги хусусиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак бўлади:

- техник кузатувчанлик;
- техник объектларни идрок қилиш;
- техник тафаккур, бу топшириқни бажаришга оқилона ёндашиш, материаллар хусусиятларини эътиборга олиш;
- бажариладиган амалларни ақлий тасаввур этиш;
- техник масалаларни ҳал этишда янгилик элементларини киритишлари.

Касбий қизиқишларнинг шаклланиш жараёни яхлит тизимини ташкил этувчи ва алоҳида функцияларни бажарувчи бир неча таркибий қисмлардан иборат бўлади. Касб-ҳунар таълими ва касбий қизиқишлар чамбарчас боғлиқдир. Таълим жараёнида шахс ҳар томонлама камол топади, тафаккури кенгаяди, дунёқараши шаклланади, теварак-атрофидаги борлиқни ҳаққонийроқ идрок қила бошлайди, фикрлаш қобилияти такомиллашади [3].

Барқарор касбий қизиқишларни шакллантириш – бу ўқувчиларда танланган касб бўйича ахлоқий жавобгарликни, унинг ижтимоий аҳамиятини онгли равишда тасаввур этишни шакллантиришдир.

Мантиқий фикрлаш билиш жараёнида қизиқувчанликни ривожлантиради, яъни у ёки бу масалани, муаммони ечишни яхши кўришни уйғотади ва бу ҳаётий зарурият бўлиб қолади. Янгиларни билишга ўрганиб қолган одам у ҳеч қачон тўхтамайди, хамиша билмаган нарсаларни билишга интилади ва доимо, баъзан тушунмаган (сезмаган) ҳолда ўзини олдига қўйган масала ва муаммони ечиш устида ўйлайди.

Изланишлар шуни кўрсатадики, касбий қизиқишларни шаклланиши асосан муҳандис – педагог фаолияти ва ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш бўйича фаолияти каби икки таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- касбий қизиқишларни шакллантирувчи, унинг мақсадини амалга оширувчи воситалари (методлар, ташкилий шакллар, кўрғазмали қурол, техник восита, дидактик материаллар кўринишидаги ёрдамчи воситалар).

- бошқарув субъекти – мухандис-педагог бошқараётган тизимни тўлалигича ўзида мужассамлаштириши ва уни ўқувчиларга бевосита таъсир этириш мақсади томон йўналтириши.

Бошқарилаётган тизим таркибига ўқувчилар жамоаси (у орқали мухандис-педагог ўқувчиларга таъсир этади), ўқувчи ва унинг индивидуал педагогик-психологик хусусиятлари, ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг ташкил этувчилари ҳам киради.

Касбий қизиқишларнинг бундай таркибий тузилишини яратишда қизиқишларга оид мавжуд тадқиқот натижалари ва касбий қизиқишларнинг ўзига хослиги асос қилиб олинган. Бу хослик ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлик даражаларида ўз ифодасини топади. Ёхуд, уларни муайян касбга оид назарий билимлари ҳамда амалий кўникма ва малакаларга интилиши, бўлажак мустақил меҳнат фаолиятига руҳан тайёр бўлиши назарда тутилади.

Адабиётлар

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Т. 2011
2. Фаффоров Я.Х. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари – Т., “Университет”, 2008.
3. Юсупов О.Я. Освещение и Энергосбережение // Science Time. -2016. - №6(30). –С410-413.
4. Юсупов О.Я., Зокирова Д.Н., Тойчиева М.О., Мухиддинова Ф.Б. Методы и средства контроля показателей качества электрической энергии // Экономика и социум. -2019. -№3. –С 512-515.
5. Юсупов О.Я. Актуальность проблемы экономии электроэнергии в современных условиях развития экономики промышленности // Экономика и социум. -2021.-№.2-2. –С. 388-392.
6. Юсупов О.Я. Энергосбережение в системах транспортировки тепловой энергии // Научное знание современности. -2021. -№.2. –С.33-36.
7. Юсупов О.Я. Повышение энергоэффективности предприятия // Экономика и социум. -2022. -№.3(94). –С 1029-1034.